

**МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ  
ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ОСОБЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН  
FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF SPECIAL ECONOMIC  
ZONES**

**Атамуродов Бекзод Низамкулович**  
Тошкент давлат транспорт университети  
таянч докторанти

**Атамуродов Бекзод Низамкулович**  
Ташкентский государственный транспортный университет  
базовый докторант

**Atamurodov Bekzod Nizamkulovich**  
Tashkent State Transport University  
basic doctoral student

**Аннотация:** Мамлакатимизда махсус иқтисодий зоналари фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш иқтисодиётнинг ажралмас бўғини сифатида талаб этилмоқда. Махсус иқтисодий, шу жумладан эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Мақолада махсус иқтисодий зоналари фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В нашей стране требуется развитие и управление особыми экономическими зонами как неотъемлемой частью экономики. Большое значение имеет развитие особых экономических зон, в том числе свободных экономических зон. В статье анализируются особенности развития особых экономических зон.

**Abstract:** Our country requires the development and management of special economic zones as an integral part of the economy. Of great importance is the development of special economic zones, including free economic zones. The article analyzes the features of the development of special economic zones.

**Калит сўзлар:** Махсус иқтисодий зона, эркин иқтисодий зона, саноат зоналари, инвестиция лойиҳаси, солиқ тўлови, инфратузилма, экспорт салоҳияти.

**Ключевые слова:** Особая экономическая зона, свободная экономическая зона, промышленные зоны, инвестиционный проект,

налоговые платежи, инфраструктура, экспортный потенциал.

**Key words:** Special economic zone, free economic zone, industrial zones, investment project, tax payments, infrastructure, export potential.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида дунёда ҳамма нарса бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлиб бормоқда. Биз буни айниқса глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётнинг бир қанча саноат тармоқларида ривожланишини соҳасалар кесимида кўришимиз мумкин бўлади.

Мисол учун юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун замонавий, юксак технологияли қувватлар зарур бўлади. Бундай корхоналарни барпо қилиш учун эса, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш яхши самара беради. Улар ўз навбатида қулай шарт-шароитлар яратилган, кенг имтиёз, рағбатлар берилган жойда бутун салоҳиятини намоён этади. Мана шу жиҳатларнинг барчаси мужассам бўлган масканда махсус ёки эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш имконияти вужудга келади.

Кўплаб олимлар томонидан берилган таърифлар умумлаштирилганда, бундай ҳудудлар минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган макону масканлар ҳисобланади.

Уларнинг тарихий илдизлари ўн олтинчи аср ўрталарига бориб тақалади. Тадқиқотчилар дастлабки махсус иқтисодий зона сифатида 1547 йилда “Эркин савдо шаҳри” деб эълон қилинган Италиянинг Ливорно шаҳрини тилга олишади. Шундай ҳудудни ўзига хос ташқи савдо анклав сифатида таърифлаган 1973 йилги Киото конвенцияси имзоланганидан кейин эркин иқтисодий зоналар кўплаб мамлакатларга тарқалди. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида уларнинг турли кўринишдаги сонига нисбатан минглаб, деган таъриф қўлланила бошланган бўлса, айтиш кунга келиб дунёнинг 150 га яқин давлатида 5 400 дан ортиқ иқтисодий ҳудудлар мавжуд.

Махсус иқтисодий зона, шу жумладан эркин иқтисодий зона тушунчаси ҳақида иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишлари натижасида турли хил фикрлар билдиришиб келган.

Жумладан, иқтисодчи олимлардан T.Farole ва F.Dobrogonov мазкур ҳудудларнинг амалий жиҳатини таъкидлаб, “Мазкур тузилмалар ривожланаётган давлатлар учун қўшимча истеъмол бозорларини эгаллаш имкониятини яратиш беради ҳамда давлатларнинг экспорт салоҳиятини

юксалтиради. Айти бир вақтда ушбу иқтисодий тузилмалар минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш воситаси сифатида ҳам хизмат қилади, дея таъкидлайди.

Шунингдек, Хитойдаги махсус иқтисодий зоналар, мамлакатнинг Пекиндаги марказий ҳукуматининг рухсатсиз ташқи ва ички савдо ҳамда инвестиция фаолияти амалга ошириладиган бир неча маҳаллий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Хитойдаги махсус иқтисодий зоналар кичик географик ҳудудлар деб таърифланади, бу эса хорижий компанияларга паст солиқлардан фойдаланиш ва ўз бизнеслари учун яхши иқтисодий шароитларни яратишга имкон беради. Махсус иқтисодий зоналар Хитой иқтисодиётини марказлашган режали иқтисодиётдан марказлашган режалаштирилган бозор иқтисодиёти жиҳатларини ўз ичига олган иқтисодиётга ўтиш учун "катализатори" сифатида яратилганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлари томонидан эркин иқтисодий зоналаридаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндашилади. Шу сабабли, А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, Эркин иқтисодий зоналар - шундай географик ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтиради ва бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий этилади.

Ҳозирга вақтга Ўзбекистонда фаолият юритаётган махсус иқтисодий зоналар фаолият юритиб, мамлакатимизда 2008-2016 йиллар давомида фақатгина 3 та ана шундай ҳудуд ташкил этилган бўлса, айти кунга келиб саноат эркин иқтисодий зоналар сони 12 тага, фармацевтика эркин иқтисодий зоналари сони 7 тага, туристик эркин иқтисодий зоналари сони 2 тага ҳамда кишлоқ хўжалиги эркин иқтисодий зоналар сони 2 тага етганини кўришимиз мумкин. Ўтган беш йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 10 трл. сўмлик 1 мингдан ортиқ лойиҳа ишга тушурилиб, натижада 100 мингта иш ўрни яратилиб, йилига қўшимча 45 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Саноат зоналарида корхоналар йилига 750 миллион АҚШ долларлик экспорт ва 1 трлн. сўмдан зиёд солиқ тушумлари таъминланди.

Шу билан, махсус иқтисодий зоналар бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизида, шунингдек, кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилади.

Эътироф этиш жоиз, мамлакатимиз ҳудудларининг имкониятлари катта. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17

февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сонли қарори қабул қилинди ҳамда ушбу қонундан келиб чиқиб махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантиришини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги белгилаб олинди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йилнинг 30 апрель куни “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда эркин рақобат муҳитининг яратилиши, келаётган инвестиция миқдорининг жозибадорлиги ҳамда давлатимиз томонидан саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш туфайли иқтисодиётимиш сезиларли даражада ривожланиб бормокда.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида саноат йўналишида ихтисослаштирилган 12 та эркин иқтисодий зоналарда 566 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, шундан тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар миқдори 1,6 миллиард АҚШ долларини, бошқа турдаги инвестициялар қиймати 4,5 миллиард АҚШ долларини, 7 та фармацевтика тармоғини ихтисослаштирилган эркин иқтисодий зоналарда 46 та инвестиция лойиҳалари, киритилган инвестициялар миқдори 282 млн.АҚШ долларини, 400 турдаги дори воситаларини ишлаб чиқарилди ва 40 турдаги медицинага махсуслаштирилган воситалар ва медицина техникаларини олиб кирилди, республиканинг Тошкент вилоятидаги “Чорвоқ” ва Жиззах вилоятининг “Зомин” туристик рекреацион зоналарида 61 та инвестиция лойиҳалари, 449 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция, 75 та туристик инфратузилмалар яратилди.

Шу билан бирга, “Бухоро-агро” ва “Қорақалпоқ-агро” қишлоқ хўжалигига оид эркин иқтисодий зоналарда 308 та инвестиция лойиҳалари, 652,2 млн. АҚШ долларлик миқдорида инвестиция, 1 210 гектар замонавий иссиқхона хўжаликлари барпо қилиниб, 9 817 та янги иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Шуни айтиб ўтишимиз керакки бугунги кунда махсус иқтисодий саноат зоналарини ривожлаштириш учун керакли шарт-шароитлар яратиб бериш лозим бўлмокда. Энг аввало, саноат зоналарида бўш турган майдонларда электр, сув, йўл ва бошқа инфратузилма масалаларини ҳал қилиш лозим бўлади. Эркин иқтисодий саноат зоналарига лойиҳаларни жойлаштиришда бюрократиядан холи бўлиш тизимини яратиш лозимдир. Бундан ташқари, кичик саноат зоналарида узоқ йиллар фаолият юритаётган ва ҳозирда ер ва иншоотларга ҳуқуқи ҳал бўлмаган тадбиркорларга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда қарор билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, махсус иқтисодий зоналарни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, ривожланиши бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ягона интеграл мезондан фойдаланган ҳолда эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари фаолиятини комплекс баҳолаш зарур ҳисобланади. Саноат зоналарини ривожлантириш ва бошқаришда бугунги кунда муаммо бўлиб турган ижтимоий соҳаларни баргараф этиш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш лозим бўлади.

Бу эса мамлакатимизда инвестиция ҳажмининг ошиши, аҳолини ишга бўлган бандлигининг таъминлаши ҳамда иқтисодиётнинг бирламчи буғини сифатида ривожланишиги олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. [http://www.tamognia.ru/doc\\_base/document.php?id=1571053](http://www.tamognia.ru/doc_base/document.php?id=1571053)
2. Dobrogonov F., Farole T. An economic integration zone for the East African community: exploiting regional potential and addressing commitment challenges. World bank policy research working paper 5967. Washington, DC: World Bank
3. "Special economic zone | Chinese economics". Encyclopedia Britannica. <https://www.britannica.com/topic/specialeconomic-zone>. 3 Wei & Ye, 2004
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
5. [https://t.me/aoka\\_uz](https://t.me/aoka_uz)
6. “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 17.02.2020 йилдаги ЎРҚ-604-сон.